



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 15 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 224 (13.557)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзuidaги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Уларда қайд этилишича, давлатимиз раҳбари томонидан конференцияда илгари сурилган ташаббуслар Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

ШХТ котибияти расмий сайти (sectsco.org) Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларига алоҳида эътибор қаратган: “Минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир”.

Интернет нашрида, шунингдек, Ўзбекистон Президенти “хавфсизликка таҳдидларни “Ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш”га ишонч билдирган ҳолда, ушбу соҳада ШХТ доирасида ва БМТнинг мувофиқлаштиришда тугган ўрнига таянган ҳолда “минтақавий тузилмалар механизми” доирасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”га чорлагани қайд этилган.

Россиянинг “Спутник” аниқликлар портали (sputniknews-uz.com) Шавкат Мирзиёев халқаро конференция иштирокчилари ва меҳмонларни кутлаб, Ўзбекистон баҳсли масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлагани хусусида ёзади.

“Спутник” Ўзбекистон Президентининг куйидаги сўзларини келтиради: “Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади. Ишончим комил, бундан барча – Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат қуради”.

Ўзбекистон Президенти ҳамкорликнинг минтақалараро механизмларини мустаҳкамлаш ташаббуси билан чиқди. Нашр давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзларини келтиради: “Минтақалараро ҳамкорлик масаласида алоҳида эътибор қаратилади лозим. Шу муносабат билан Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (хокимлари) бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этишни таклиф қиламан. Ушбу механизмлар бутун Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг санат, инвестиция ва интеллектуал соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беришига ишонман”.

Қозоғистоннинг “Казинформ” ахборот агентлиги (kaznews.kz) Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатларига Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастур ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этгани ҳақида ёзган.

Интернет нашри, шунингдек, Ўзбекистон Президенти минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш истиқболларини қайд этганига алоҳида ургу беради.

“Казинформ” Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларини келтиради: “БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди”.

Қозоғистоннинг “24KZ” телеканали (24.kz) Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий форумини ташкил этиш, минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш

зарурлиги ҳақидаги ташаббуси ўта муҳим эканини таъкидлаган.

“Оддий ва очик инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир, дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев”, деб хабар беради телеканал.

МДХ Ижроия қўмитаси расмий сайти (cis.minsk.by)да МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижроия котиби Сергей Лебедевнинг бугунги кунда Марказий Осиёда интеграциялашув жараёнларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар очилаётгани ҳақидаги фикри баён этилган. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг минтақа давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, барча муаммолар масалаларда оқилона муросага эришиш, барқарор ривожланиш учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратилишига қаратилган ташқи иқтисодий сиёсати ҳам бунга хизмат қилмоқда.

Интернет нашрида баён этилишича, С.Лебедев Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида мамлакатларнинг минтақадаги устувор жиҳатларини қайд этиб, ўткир минтақавий ва глобал муаммолар, шунингдек, уларни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил тўхталиб ўтгани, Марказий Осиёда халқаро мулоқот ва ҳамкорликнинг изчил маконини яратиш йўллари баён этганини эслатиб ўтган.

Ҳиндистоннинг “DNA” ахборот агентлиги (dnaindia.com) диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари Ҳиндистон учун ҳам долзарб аҳамият қасб этишини қайд этган. Шавкат Мирзиёев экстремизм ҳамда диний матнларнинг нотўғри талқин қилинишига қарши самарали интеллектуал воситалар ёрдамида курашишни таъминлаш мақсадида Самарқандда ташкил этилаётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси маркази ҳақида маълумот берган.

Интернет нашри Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ҳиндистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этган, чунки Ҳиндистоннинг диний ўқув муассасаларидаги ақсарият диний матнлар ва ўқув режалари Имом Бухорийнинг илмий ишларига асосланган.

“DNA” Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларига алоҳида ургу беради: “Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёнинг барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага айлантиришдан иборат. Бунинг учун биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга қўмаклашадиган сабаб ва омиларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур”. Ўзбекистон раҳбари минтақада барқарор ва изчил тараққиётнинг истиқболлари қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан ҳам ҳамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаган.

Ахборот агентлиги Ўзбекистон Президентини нутқидан: “Биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Бу борада биз Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этишга қарор қилдик”, деган иқтибосни келтирган.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Россиядаги собик дипломатик вакили Ашок Мукержунинг Марказий Осиёнинг бағрикенглик тамойилларига асосланган ислом динининг бой қадриятлари Марказий Осиё

давлатлари, хусусан, Ҳиндистон билан муносабатларида миллий муштарақликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият қасб этиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган. “Ушбу мерос ҳадисларга тартиб бериш бўйича Имом Бухорийнинг Марказий Осиё илоҳиёт илмида тугган мақоми, жумладан, Беруний, Форобий, Улугбек сингари буюк олимлар ҳамда сўфийлик таълимотининг етук намоёндалари Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд илмий ва гуманитар ҳиссаси билан белгиланади”, деб таъкидлади Ҳиндистонлик дипломат.

Россиянинг “Спутник” аниқликлар портали (sputniknews-uz.com) Самарқандда бўлиб ўтган ва 500 дан ортиқ иштироки қатнашган конференция ишини юқори баҳолади: “Тадбирда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, МДХ, Европа, Осиё ва Америка давлатларининг расмий делегациялари, 10 дан зиёд халқаро ташкилот, жумладан, БМТ, ЕИ, ЕХТ, ШХТ, МДХ, ЕТБ вакиллари, 100 га яқин нуфузли халқаро экспертлар, етакчи хорижий ОАВ вакиллари ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди”.

Американинг “Дипломат” нашри (thediplomat.com) 10 ноябрь кунни дунёнинг турли мамлакатлари делегациялари хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича минтақавий конференцияда иштирок этиш учун Буюк Ипак йўлининг юраги – азиям Самарқандда тўпланди, деб таъкидлайди.

Унда ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ягона тарих ва умумий келажак” номли конференция мавзусини баён этиб, ўзининг Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи йилининг устувор йўналишлари – яқин қўшничилик ва иқтисодий тараққиёт ҳақида сўзлаб берди.

Мазкур анжуманнинг ўтказилиши Ўзбекистон раҳбариятининг очик ташқи сиёсат юритиш борасидаги қатъиятини яққол намойён этди. Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи ишлар вазирлари ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ҳамда ўзаро манфаатли, барқарор тараққиёт йўлидаги интилишларни қўллаб-қувватлади.

Қирғизистоннинг “Қабар” ахборот агентлиги (kabar.kg) ушбу форум Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси минбаридан туриб илгари сурилган ва Марказий Осиёда хавфсизлик, иқтисодий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди, деб ёзади.

Тожикистоннинг “Азия-Плюс” ахборот агентлиги (asiaplus.tj) ёзишича, Самарқанд конференциясининг ўтказилиши унинг иштирокчиларига минтақа хавфсизлиги ва тараққиётнинг долзарб масалалари хусусида фикр алмашиш, уларни самарали бартараф этиш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди. Форум иштирокчиларга Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоёвий алоқалар, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатларнинг минтақа мамлакатларининг глобал таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги салоҳиятини юксалтириш бўйича минтақавий лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашишда тугган ўрнини муҳокама этишга хизмат қилди.

ЎЗА

заҳираси тахминан 1,5 миллиард баррелга тенг нефть ва газ кони топилди. Бу охириги 15 йил ичида минтақада аниқланган энг йirik ер ости бойлиги сифатида эътироф этилди.

• Венесуэлада мамлакат тарихидаги энг йirik банкнотлар – 100 минг боливер муомалага киритилди. Бу чора-тадбир молия тизимини барқарорлаштиришга туртки беради. Айни пайтда “қора бозор”да 100 минг боливер қиймати қарийб 2,5 долларга тенг.

• Электромобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Tesla” компанияси жорий йилнинг учинчи чорагида 671 миллион доллар миқдорида зарар кўрди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида корхона 22 миллион доллар фойда олишга эришган эди.

мактабида ўтказилган хайрия тадбири “Кучли ижтимоий ҳимоя – тараққиёт гарови” деб номланди.

• Андижон машинасозлик институтида ўқувчи-ёшларни олий ўқув юртларига тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидаги 33-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир “Конституция ва ёшлар” деб номланди.

• Мексиканинг Веракрус штатида “Ретех” давлат компанияси томонидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНING АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги Ф-4979-сон фармойиши билан ташкил этилган Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини янада жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия (кейинги ўринларда Ишчи комиссия деб юритилади) томонидан “Sagemcom” (Франция Республикаси), “Elster GmbH” (Германия Федератив Республикаси), “Landis & Gyr” (Швейцария Конфедерацияси) компаниялари ва “Toshelectroapparat” МЧЖ ХК (Ўзбекистон Республикаси) билан Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб юритилади) амалга ошириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи комиссиянинг Лойиҳа доирасида дастлаб 2 миллион дона электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техник воситаларини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар деб юритилади) “Sagemcom”, “Elster GmbH” компаниялари ва “Toshelectroapparat” МЧЖ ХКдан истисно тариқасида тендер савдоларини ўтказмасдан харид қилиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Белгилансинки, Ишчи комиссиясининг қарорига асосан “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни мазкур қарорнинг 14-бандига мувофиқ уларни республикада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгунга қадар ушбу бандда кўрсатилган ишлаб чиқарувчилардан қўшимча харид қилиши мумкин.

3. Ишчи комиссия (Ж.А.Қўчоров) “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа бўйича “Sagemcom”, “Elster GmbH” компаниялари ва “Toshelectroapparat” МЧЖ ХК билан якуний музокараларни ўтказиши ва контрактлар (кейинги ўринларда контрактлар деб юритилади) тузилишини ташкил этсин.

“Ўзстандарт” агентлиги музокаралар якунига қадар Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан техник талабларни тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тузиладиган контрактларни, шу жумладан ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар, хизматларнинг қийматини ишлаб чиқарувчиларнинг айнан шундай лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибаси ва ишчанлик обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратган ҳолда хар томонлама экспертизадан ўтказсин.

5. Лойиҳа доирасида қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан қайта молиялаштирилган, 5 йиллик имтиёзли давр ва қайта молиялаштирувчи банкнинг 0,2 фоиз маржасини ўз ичига олган йиллик ставкаси 2 фоиз бўлган 10 йил муддатга ажратиладиган маблағлар – контрактлар бўйича ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, шунингдек, хизматларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг; “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг маблағлари – қурилиш-монтаж ишларини, маҳаллий товарлар ва хизматларни харид қилишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Белгилансинки: 2020 йил 1 январдан Лойиҳанинг амалга ошириш муддатига 1 кВт/соат электр энергияси учун 15 сўм, 1 м. куб табиий газ учун 17 сўм (республикада реализация қилинадиган) миқдорда заруратга кўра индексация қилинадиган ҳамда фақатгина Лойиҳа доирасида Жамғарманинг жалб этилган маблағларини қоплашга ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестициявий устама жорий этилади;

Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишда кейинчалик уларни давлат қўригидан ўтказган ҳолда сертификат ишларини олиб бориш белгиланган тартибда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилади;

ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишда пломбалаш “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажилиси ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ваколатли ходимлари томонидан амалга оширилади;

Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат қўриғи “Ўзстандарт” агентлиги томонидан хар 10 йилда амалга оширилади. Бунда ҳисобга олиш ускуналарини давлат қўриғига топшириш бўйича ишларни ташкил этиш “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва Бюро томонидан таъминланади;

истеъмоладан давлат қўригидан, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа қўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилади.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг Лойиҳани амалга ошириш учун бериладиган Жамғарма кредитлари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ олдидаги мажбуриятлари юзасидан белгиланган тартибда давлат кафолатларини бериш ваколати берилсин. Бунда давлат кафолатлари “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан кредитларни қоплаш даврида уларнинг пул маблағларини бошқариш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топшириш орқали берилади.

(Давоми 2-бетда)



• Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида 1,5 минг гектардан зиёд майдонда интенсив усулда ёнғоқзор барпо этилмоқда.

• Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 24-болалар мусиқа ва санъат



• Мексиканинг Веракрус штатида “Ретех” давлат компанияси томонидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА
ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ
ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини киритсин.

Жамғарма, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖга Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тасдиқланганига қадар контрактлар доирасида товарларнинг харидини ва бажариладиган ишларни 2018 йил 1 февралга қадар молиялаштиришга руҳсат берилсин.

9. "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХК 2022 йил 1 январга қадар контрактларга мувофиқ ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни олиб кирганлик учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йўғимлар бундан мустасно), шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш доирасида қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин.

10. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ Бюро билан биргаликда бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқласин.

11. Республика ҳудудига Лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуна-

ри ва қўшимча воситаларни олиб кириш тақиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда яратиладиган Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимининг Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган дастурий маҳсулотлар билан биллинг тизимининг электр энергияси ва табиий газга оид қисmini ишлаб чиқишга "Sagetscom" компаниясини жалб этган ҳолда мослигини таъминласин.

14. "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ "Ўзэлтехсаноат" АҚ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий компания иштирокида, шу жумладан "Ўзэлтехсаноат" АҚ корхоналарини кооперация асосида жалб этган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, Лойиҳани техник қўллаб-қувватлаш бўйича хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш юзасидан тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Лойиҳа ва контрактларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

16. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ буюртмалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визаларини расмийлаштиришни;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталиқ кириш визалари берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхат расмийлаштирилиши (узайтирилиши)ни таъминласин.

17. Лойиҳанинг тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилиши, шу жумладан тасдиқланадиган лойиҳа параметрларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С.Султонов, "Ўзбекэнерго" АЖ (У.М.Мустафоев) ва "Ўзтрансгаз" АЖ (А.С.Мустафоев) раҳбарлари зиммасига юклансин.

18. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2907-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги "Махбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3060-сон қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 13 ноябрьЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ
НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ
ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Электр ва газ таъминоти соҳасидаги тизимли муаммоларни самарали ҳал этмасдан туриб иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини кенгайтириш, ишчанлик фаолияти ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш мумкин эмас.

Шу муносабат билан, кейинги йилларда республикада электр ва газ таъминоти тизимининг инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, хозирги кунда назорат ва ҳисобга олишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги сабабли электр ва газ таъминоти корхоналари фаолиятида доимий ошиб борувчи қарздорлик юзга келишига, энергия ресурслари етказиб беришда мунтазам узилишларга ва тармоқ корхоналарининг оғир молиявий аҳолига олиб келган қўллаб-қўйиш жиддий камчиликлар тўғрисида қўйилган.

Электр ва газ таъминоти корхоналари назоратчиларининг ҳаракатсизлиги ҳамда улар ўртасида суиистеъмоличлик ҳолатларининг кенг тарқалганлиги юзга келган вазиятнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Қарздорликнинг йирик миқдори ва уни ўндириш учун зарур ҳодимларнинг мавжудлигига қарамадан, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ корхоналари томонидан етарли даражадаги ўндирув таъминланмаган.

Электр узатиш линиялари ва газ қувурларини комплекс модернизация қилиш борасида етарли ишлар амалга оширилмаган.

Кўп йиллар давомида энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва

ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭНХАТ) жорий этиш бўйича бор неча бор чоралар қўрилган бўлсада, мазкур йўналишдаги ҳеч бир лойиҳа якунига етказилмаган, бу, ўз навбатида, энергия ресурслари истеъмолининг ҳаққоний ҳисоби ва назоратини ташкил этишга, шунингдек, талон-тороҳ ҳолатлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жуда салбий таъсир қилган.

Масалан, энергия ресурслари абонентлари умумий сонининг атиги **2,6 фоизи** ЭНХАТда ишлайдиган электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари билан ҳижозланган, **40 фоизи** ташқи таъсирдан ҳимояланмаган эскирган ҳисоблаш ускуналаридан фойдаланади, **48 фоизи** ЭНХАТга мос келмайдиган турли модификациядаги ҳисоблаш ускуналарига эга, шунингдек, **9,4 фоизида** энергия ресурсларини ҳисоблаш ускуналари мавжуд эмас.

Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳамда энергия ресурслари истеъмоли соҳасида бошқарув, назорат ва ҳисобот тизимини, шунингдек, тўлов интeнзимини тубдан яхшилаш мақсадида жорий йилда мазкур соҳани ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Махбурий ижро бюроси ташкил этилиб, юзга келган вазиятни жадвал суръатларда яхшилаш бўйича комплекс чоралар қўрилганлиги, шу жумладан **2,6 миллиондан ортиқ турар ва нотурар объектлар инвентаризация қилинганлиги**, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ қўллаб-қўйиш ҳуқуқбузарликлар аниқланганлигини таъкидлаш лозим.

Бюро ҳузурида энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат

қилишнинг, ижро иш юритувининг шаффофлиги ва теъзорлигини, шунингдек, тегишли масалалар бўйича идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини таъминловчи Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази ташкил қилинди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан ЭНХАТни янада жорий этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия тузилди.

Ишчи комиссия томонидан қатор етакчи хорижий компаниялар билан республикада ЭНХАТни жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилди.

Музокаралар жараёнида эришилган келишувларни амалий рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадвал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, дастлабки босқичда **2 миллион** донга электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техника воситалари харид қилинади.

Шунингдек, яқин келажақда республикада хорижий компания иштирокида юқорида кўрсатилган **ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни маҳаллий ишлаб чиқариш ташкил этилади**.

Бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобат-

га олган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқлаш режалаштирилди.

Қарорга мувофиқ, лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат қўриғи "Ўзстандарт" агентлиги томонидан **ҳар 10 йилда** амалга оширилади, ҳисобга олиш ускуналарини давлат қўриғига топшириш бўйича ишларни ташкил этиш эса "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Бюро томонидан таъминланади.

Бунда истеъмоличидан давлат қўриғидан, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан **"Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари ҳисобидан** бошқа қўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилади.

Таъкидлаш керакки, фақат охириги 2 йилда реал кўрсаткичларни юқори даражада (20 фоизгача) бузиб акс эттирадиган 24,4 миллион АҚШ доллари қийматидаги 410 мингдан ортиқ эскирган ҳисоблаш ускуналари мамлакатга олиб кирилган.

Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида қарор билан бундан буён республика ҳудудига лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш тақиқланди.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг самарадорлиги энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларининг ўз вақтида олдини олишни ва умуман тармоқни жадвал ривожлантиришни таъминлайди.

да учрашувлар ўтказилиб, солиқ қарзининг ҳосил бўлиш сабаблари ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект кесимида фаолият туридан келиб чиқиб, тўловларни амалга оширишдаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тегишли тадбирлар белгилаб килинмоқда.

Хусусан, 2017 йилнинг 10 ойи давомида 1100 дан ортиқ солиқ қарзи мавжуд бўлган ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарлари билан бевосита учрашувлар ўтказилиб, қарздорликнинг қарийб 47 фоизини ўндиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги "Сохта банкротлиги, Банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан солиқларни тўламайлик оқибатида банкротлик ҳолатига олиб келиши прокуратура органлари томонидан тегишлича жазого тортилиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳалқимизнинг тинч-тотув, эркин ва фаровон яшаш учун кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Яқинда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган учрашувда Тошкент шаҳар прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент Тошкент шаҳар бошқармаси, Молия ва Ҳазначилик бошқармалари билан ҳамкорликда бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотлар ва қурилиш корхоналарининг мавжуд солиқ қарзини ўндириш бўйича ечимини қўлга олиш масалалар муҳокама қилинди, тегишли топшириқлар берилди.

Шундай экан, ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект қонун билан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган муддатларда ҳамда тўлиқ тўлаши шартлигини яна бир қарра эслатиб ўтмоқчимиз.

Жаҳонгир РАДЖАБОВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси
Солиқ қарзини ўндиришни ташкил этиш
бўлими бошлиғиБМТ: ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ
ЮКСАК МИНБАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
ОВОЗИ

1945 йили АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида 51 давлат вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомини ишлаб чиқиб, имзолаган. Бу Низом шу йилнинг 24 октябрида расман қўлга кирган. БМТ Бош Ассамблеясининг резолюция-сига биноан, 1947 йилдан буён бу сана ҳар йили БМТ куни сифатида кенг нишонланади. БМТ ҳақида сўз юритилганда, ер қуррасида тинчликни сақлаш, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш каби қатор умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда ўз сафларида 193 та давлатни бирлаштирган халқаро ташкилотнинг ўрни беқиёс эканлиги англанади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ, яъни 1992 йилнинг 2 мартидан бошлаб, БМТга аъзо бўлди ва ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. У ёш мустақил давлатлардан бири бўлишига қарамастан, ўтган 25 йил мобайнида жаҳон сиёсати, халқаро муносабатларнинг шунчаки қулатувчиси эмас, балки кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи, минтақа тинчлиги ва барқарорлигига ҳавф солаётган хатар, таҳдидларни аниқлаб, уларни жаҳон ҳамжамияти иштирокида бартараф этишга жиддий бел боғлаган ва тинчлик ҳамда тараққиёт учун курашчи давлат сифатида гавдаланишини кўради.

Албатта, тарих уммонида бу жуда қисқа давр. Бироқ, масъулиятли, кескин ўзгаришлар замонидан, яъни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини тубдан янгилаш зарурати бутун бўй-басти билан намоён бўлиб турган бир пайтда, бу йиллар мамлакатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлаш ҳамда ривожланишнинг истисқоболдаги узоқ йилларга мўлжалланган ҳаётий муҳим устувор вазифаларини белгилаб олиш учун етарли муддатдир. Бу борада халқаро интеграцияни кучайтириш, барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳамда тинчликпарварликка асосланган мамлакатимизнинг изчил ташқи сиёсати муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ташкилотнинг қатор тарихий тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ОзИқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Таълим, фан ва маданият масалаларига ихтисослашган (ЮНЕСКО), аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Тараққиёт дастури, гўёқанда ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз халқаро миқёсдаги асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон ҳамжамияти ҳўрматини қозонмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо қилиш, афғон можаросини БМТ шафелигидан тинч музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш, Орол денгизини қуришнинг салбий оқибатларига барҳам бериш ҳамда Оролбўйида экотизим инқирозини бартараф қилиш каби қатор ташаббуслари бутун дунёда ўз эътирофини топти.

БМТ Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш ўзининг мамлакатимизга шу йилнинг июнидаги ташрифи якунлари бўйича Президент Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубида республикаимиз раҳбариятининг мамлакатини янада ривожлантиришнинг 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида акс этган интилишларига юқори баҳо бергани бежиз эмас. БМТ Бош котиби таъкидлаганидек, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартибининг муштарак жиҳатлари кўп. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун асос бўлиши мумкин.

Бунинг амалий тасдиғи бўлиб, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи, жаҳон ҳамжамиятининг умуман, юртимизда олиб борилаётган кенг қўлмали янгиланишлар, ташқи сиёсий фаолиятга, айниқса, минтақадаги қўшни давлатлар билан ҳамкорликка асосланган, ахил, ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш сазй-ҳаракатларига хайрихоҳлик билан қарамокда. Президентимизнинг яна бир тақлифи — глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадвал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишга қаратилган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақлифидир. Унинг сабаби ҳозирда дунё ёшлари — сон жиҳатидан инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Афсуски, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Шу сабабли одамлар, авваламбор, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим долзарб вазифа эканлигини қайд этиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тинчликпарвар ва мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига хизмат қиладиган тақлиф ва ташаббуслари замирида миллий манфаатлар қаторида минтақа халқлари, қолаверса, умумбашарий манфаатлар мўжассам эканлигини қайд этган ҳолда, Ўзбекистон БМТнинг фаолият йўлини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, унинг мавқеини юксалтириш йўлида янада фаоллик кўрсатиши шўбҳасиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

СОЛИҚЛАР ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Маълумки, бюджетта ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ватанимиз сарҳадларининг мустаҳкам туришига, халқимиз фаровонлигини оширишга, кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексида "ҳар бир шахс Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шартлиги" белгилаб қўйилган.

Акс ҳолда эса солиқларни ўз вақтида тўламаслик, солиқ органи томонидан мажбурий ўндирув сифатида судга мурожаат этилишига сабаб бўлади. Эндиликда солиқ қарздорларига суд ижро ҳўжжати асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилиши белгилаб қўйилган:

Қарздорнинг эгалигидеги уй-жой, автомобиль ва бошқа мулкларга ҳамда ҳисоб рақамларига банд солиниб, таъқиқ қўйилиши, шунингдек қарздорнинг мол-мулкларини ҳисобидан солиқ қарздорларини ёпилишига қаратилиши;

Фуқароларимизнинг эса Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ҳамда Чегара қўшинларига қарздорлик тўғрисида маълумотнома юборилиб, чет элга чиқиши чегараланади;

Иш жойи ва маҳалла фуқаролар йиғинига солиқ қарздорлиги тўғрисида маълумотнома юборилиб, қарздорликни ўндиришда амалий ёрдам сўралиши;

Шунингдек, суд қаражатлари, жумладан солиқ қарзига қўшимча равишда устама жарима, Мажбурий ижро Бюроси томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача миқдорида жарима, ижро йиғими, давлат божи ҳамда почта қаражатлари, шунингдек, солиқ қарзига қўшимча равишда тўловлар амалга оширилишига олиб келади;

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилдаги асосий йўналишларидан келиб чиқиб, 2016 йил 27 декабрь кўни "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қарзи бир йил мобайнида тўланмаган тақдирда солиқ қарзининг қанчаллигидан қатъий назар судга берилиб, суд ижрозчилари орқали мажбурий ўндириш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар прокуратураси, Мажбурий ижро Бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда солиқ қарзи мавжуд ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш мақсади-

Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

Мамлакатимизда аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жойлар, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш борасида Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларда кўтарилган масалаларни қисқа муддатларда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиши тубдан яхшилаш, уй-жой фонди ва ижтимоий объектлардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш – одамларнинг кундалик ҳаёти, фаровонлиги, саломатлиги ва кайфиятига бевосита дахлдор масалалар ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 2 октябрь кўни аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлилига бағишлаб ўтказилган йиғилишда аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини электр ва иссиқлик энергияси, ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ, кўмир, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш, кўп қаватли уй-жой фондиди сақлаш, оқова хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Бу жабҳалардаги ишларни изчил давом эттириш, барча уй-жойлар, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлаш юзасидан муҳим вазифалар белгиланиб, ишчи гуруҳларга зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастурлари ижросини танқидий қайта кўриб чиқиш, режалаштирилган чора-тадбирларни манзилли ва мақсадли амалга ошириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларини қўллашнинг ҳамда кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бу борадаги ишларни вилоятлар ва соҳалар кесимида эмас, маҳалла-маҳалла, уйма-уй амалга ошириш кераклиги қайд этилди.

Шу борада Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига аҳолидан коммунал хизмат соҳаси бўйича келиб тушаётган мурожаатларни қисқа муддатларда сифатли кўриб чиқиш юзасидан аниқ ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, Президентимизнинг Тошкент шаҳри ва пойтахт туманларидаги

Халқ қабулхоналари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари туманларда бўлиб қиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан танишди. Фуқароларнинг Виртуал қабулхонага юборган мурожаатлари жойига чиқиб ўрганилиб, уларни ҳал қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Аниқ рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 10-12 ноябрь кунлари фуқароларнинг иссиқлик таъминоти (190 та мурожаат), табиий газ (102 та), электр энергияси (59 та), ичимлик суви (40 та), иш ҳақи ва пенсия (12 та), бозорлардаги нарх-наво (7 та), кўмир етказиб бериш (4 та) каби масалалар бўйича 400



лим муассасасининг иситиш тизими ишга туширилди ҳамда тизимнинг сифатли ишлаши қайтадан тўлиқ текшириб чиқилди.

Сергели туманида истиқомат қилувчи фуқаро А.Сафоновнинг мурожаатиға мувофиқ, фуқарога янги электр ҳисоб-

уйида иссиқ сув анча вақтдан бери ўчирилгани ва иссиқ суви ёқиб бериш ҳақидаги мурожаати бўйича унинг хонадонни иссиқ сув билан қайта таъминлаб берилди.

Юнусобод тумани, Бўзсув бўйи кўчаси, 58-уйда яшовчи фуқаро Мавлуд Файзиева мурожаатида у яшайдиган кўчадаги 17 та хонадонда ичимлик суви таъминотида тез-тез узилиш бўлаётгани, бу масалада туман ҳокимлиги, "Сувсоз" корхонасига қилган мурожаати натижасиз қолганидан шикоят қилган. Мурожаат жойига чиқиб ўрганилганда, шикоятда қайд этилган 17 та хонадон кўчанинг баланд қисмида жойлашганлиги аниқланиб, сув таъминоти корхонаси томонидан ичимлик суви қувуридаги босим ростланиб, муаммо бартараф этилди.

Яшнобод тумани, Қорақум кўчаси, 6-уйда яшовчи фуқаро Геннадий Кунчен уйда тез-тез чирок ўчиб қолиши, бу масалада туман электр тармоқлари корхонасига қилган мурожаати натижасиз қолганидан шикоят қилган. Мурожаат жойига чиқиб ўрганилиб, худуддаги трансформаторда тегишли таъмирлаш ишлари бажарилди ва хонадонларда электр таъминотининг узлуксизлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳри ва пойтахтимиз туманларидаги Халқ қабулхоналари фуқароларнинг электр энергияси, табиий газ, иссиқлик, ичимлик суви таъминоти, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий объектларнинг қиш мавсумига тайёргарлиги, озик-овқат маҳсулотлари захиралари яратилгани, бозорлардаги нарх-наво, иш ҳақи, пенсияларнинг ўз вақтида берилиши сингари масалалар бўйича мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиши ва қонуний ечим топилиши доимий равишда, алоҳида назорат қилиб боради.

Шоира МУҲАМЕДОВА

КОММУНАЛ ХИЗМАТ: МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

дан ортқ мурожаати кўриб чиқилди.

Ўрганиш натижалари бўйича 414 та мурожаатдан 213 таси ёки 52 фоизи жойида ўз ечимини топди, 100 таси ёки 25 фоизи бўйича муаммони ҳал қилиш юзасидан топириқлар берилиб, назоратга олинди, 97 таси ёки 23 фоизи бўйича ўрнатилган тартибда тушунтиришлар берилди.

Жумладан, **Мирзо Улугбек тумани,** Бинокор кўчаси, 6-а уйда яшовчи фуқаро Игорь Савин жорий йилнинг 24 октябрь кўни электр таъминоти масаласида Виртуал қабулхонага мурожаат қилган. Мазкур мурожаат туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари иштирокида жойига чиқиб ўрганилган ва электр ўтказиш линияларидаги носозлик аниқланиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Олмазор тумани, Чимбой мавзеси, 1-уй, 26-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро О.Халиловнинг мурожаати бўйича уйига газ ҳисоблагич ўрнатиб берилди. Шунингдек, шу тумanning Зарқайнар 12-берк кўча, 18-а уйда истиқомат қилувчи фуқаро Н.Қаюмовнинг аризаси асосида 20-сонли мактабга таъ-

лагич ўрнатилди. Шунингдек, шу тумандаги фуқаролар А.Виноградов, Л.Бутирская, Г.Валиева ва П.Осокиннинг мурожаатларига кўра уларнинг хонадонларидаги сув қувурлари таъмирлаб берилди.

Учтепа тумани, 26-мавзе, 28-уй, 48-хонадонда яшовчи фуқаро Наталья Бочкова иссиқлик таъминотидан норози бўлиб ёзган мурожаатиға асосан носозликлар жойида бартараф этилди.

Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 11-уй, 104-хонадонда истиқомат қилувчи Л.Нуруллаевнинг мурожаати бўйича жойига чиқиб, иссиқ сув таъминоти меъёридаги ҳарорат даражасига келтириб берилди. Шунингдек, шу тумандаги 1-даха, 42-уй, 39-хонадонда истиқомат қиладиган фуқаро А.Кимнинг ичимлик суви масаласидаги мурожаати жойига чиқиб ўрганилиб, ичимлик суви босими пастлиги туфайли юқори қаватдаги уйларга яхши етиб бормаётгани аниқланди ва совуқ сув босими нормал даражага етиши таъминланди.

Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 63-хонадонда истиқомат қилувчи Ирина Афанасьеванинг

Миллий хавфсизлик хизматининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан ёш қизларни эксплуатация қилиш мақсадида Бангкок шаҳрига (Таиланд) олиб чиқиш билан шуғулланган гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган Л.Сафарова ва Н.Усмоновалар ёш қизларни олиб чиқишни "Тошкент-Киев-Бангкок" йўналиши орқали амалга оширган.

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА ОДАМ САВДОСИ

Украинага келган одам савдоси қурбонларини шу мамлакат фуқароси Юрий Зиганчов кутиб олган ва Киев шаҳри аэропортининг чегара хизматида ишлайдиган турмуш ўртоғи кўмаги билан уларни Таиландга жўнатилишини таъминлаган. Суд Л.Сафарова ва Н.Усмоновага нисбатан узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Тадбирда Миллий хавфсизлик хизмати матбуот маркази катта ходими Лола Йўлчибаева мамлакатимизда одам савдоси ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар борада журналистларга батафсил маълумот бериб ўтди.

Бугунги кунда норасмий каналлар орқали чет элга чиқиб кетган меҳнат мигрантларининг асосий қисми ўзларининг ишонувчанлиги оқибатида одам савдоси қурбонига айланмоқда. Фараз ниятли кимсалар эса улардан ноқонуний тижорат фаолиятини юритишда, товар-моддий қимматликлар, қурул-яроғ ва гиёҳванд моддалар контрабандаси ҳамда бошқа қонунга зид фаолият билан шуғулланишда фойдаланмоқда.

Анжуамда таъкидланишича, 2016 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярмида Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан Ўзбекистон фуқароларини ноқонуний меҳнатга жалб қилиш мақсадида чет

элга чиқариш билан шуғулланган 216 нафар шахснинг фаолиятига чек қўйилди.

Баъзи ҳолатларда мазкур жиноятга ихтисослашган уюшган жиноий гуруҳлар аввал хорижга чиққан ва депортация қилинган шахсларнинг биографик маълумотларини Фуқаролик ҳолати далолатнома-ларини ёзиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги жиноий алоқалари орқали ўзгартириб, уларни чет элга олиб чиқишмоқда. Шунингдек, уюшган жиноий гуруҳ аъзоларига ўз "ўлжа"ларини олиб чиқиш кетишида қалбаки тақдирномалар ва визаларни расмийлаштириб бераётган айрим сайёҳлик фирмалари ҳам ёрдам бермоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Х. Л. уюшган жиноий гуруҳ аъзоларининг кўмаги билан Қозғистонга чиққан. Сўнг Дубай шаҳридаги "Royal Gardens Tourism" фирмаси орқали унга туристик виза расмийлаштирилган ва у Бирлашган Араб Амирликларига бориб, фойхалик билан шуғулланган. Аниқланишича, мазкур фирма Самарқанд вилоятида тузилган Т.Ш. билан келишган ҳолда ўзбекистонлик қизларни бу ишга жалб қилиш билан шуғулланган.

Ачинарли томони шундаки, айрим коллеж ва лицейларнинг мансабдор шахсларининг бефарқлиги, масъулиятсизлиги ва нафс қулига ай-

ланаётганлиги сабаб коллеж ва лицейларда таълим олаётган ёшларимиз ҳам ноқонуний меҳнат ва одам савдоси қурбонига айланиб қолмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки, ноқонуний меҳнат миграциясининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида давлатимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Ўзбекистон фуқароларини Россия худудидан вақтинча меҳнат қилишга жалб этиш бўйича келишув имзоланди. Кейинги йилларда минглаб юртдошларимиз ишлаш учун Жанубий Кореяга юборилди. Польша ва Япония мамлакатлари билан бу йўналишдаги ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда.

Чет элда меҳнат эксплуатациясига йўлққан фуқароларимизга ёрдам бериш мақсадида "Истиқболли авлод" нодавлат нотижорат ташкилоти жорий йилнинг июнь ойида ўзининг "фаол линияси" телефон рақамлари ҳақидаги маълумотни уяли алоқа компаниялари орқали sms шаклида тарқатди. Ўтган давр мобайнида меҳнат эксплуатацияси билан боғлиқ салбий ҳолатларга тушиб қолган шахслардан 800 га яқин кўнгирок келиб тушган. Ҳозирда бу мурожаатлар бўйича тегишли идоралар билан биргаликда зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

“ҚИЗЛАРЖОН” КЛУБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Қизларни узлуксиз таълимга тўлиқ қамраб олиш, ёш хотин-қизларнинг маънавияти ва маданиятини янада юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорлилар сафини кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга маълум бир меҳнат тури билан банд бўлмаган, ижтимоий фаоллигини намойён эта олмаган хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мақсадида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси қошида “Қизларжон” клуби ташкил қилинди.

Шу муносабат билан Тошкентдаги Турин политехника университети хузуридаги академик лицейда "Қизларжон" клубининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унга пойтахтимиздаги фидойи аёллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар, маҳалла фаоллари, қизлар ва омавий ахборот воситалари ходимлари тақдир этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, айна кунларда шахримиздаги маҳаллаларда, таълим масканларида шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Қизларжон" клублари ташкил этилмоқда. Тошкентдаги Турин политехника университети хузуридаги академик лицейда иш бошлаган мазкур клуб ҳам ёш хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

Клуб 7 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизларни ихтиёрий равишда бирлаштириб, уларнинг орзу-

ниятлари йўлидаги фаоллигини оширишга, касб-хунар ўрганиши учун имкониятлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам беради.

Клубнинг машғулот ва йиғилишлари бир неча йўналишларда ташкил этилиб, унда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларнинг миллий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тўй-маросимларни ихчамлаштириш ҳамда маънавий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, китобхонликни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ихтирочи аёллари уюшмаси раҳбари Карима Норкулова Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон ихтирочи аёллари уюшмаси томонидан "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" Республика танлови ўтказилаётганини маълум қилиб, танлов шартлари билан иштирокчиларни таништирди.

Жумладан, олимлар, иқтидорли талаба ва ўқувчилар, муҳандис, ихтирочи, рационализатор аёллар, конструкторлар қаторида "Қизларжон" клуби аъзолари ҳам ўз инновацион лойиҳалари билан қатнашишлари мумкинлигини айтиб ўтди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

24 декабрь — Тошкент шаҳар Халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кўни

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Айни кунларда шахримизнинг барча туманларида "Тошкент шаҳар Халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида 2017 йил 24 декабрь — Тошкент шаҳар Халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга қизгин тайёргарлик кўриломоқда.

Жумладан Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси штаби, 30 та сайлов округи ва 90 та сайлов участкасида ҳам ушбу сиёсий жараёнинг очик, ошқора, демократик руҳда ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилиб, қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Бугун штаб, сайлов округлари ва сайлов участкаларининг фаолият юритиши учун зарур бўлган мебелъ, техник воситалар, телефон, факс, интернет тармоғи ва бошқа зарурий ашёлар билан тўлиқ жиҳозланган.

Бугунги кунда халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси томонидан белгиланган йиғилиш, сайловолди тадбирлари ўтказилиб, туман сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияси раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари учун ушбу сайлов ҳақида тўлиқ маълумот бериб, унинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилмоқда.

Учрашувларда 2017 йил 29 августда қабул қилинган 9 моддадан иборат "Тошкент шаҳар Халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб: "Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад — давлат ҳокимиятининг демократик асосларини, вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини янада мустаҳкамлашдир. Шунингдек, Маҳаллий кенгашларга сайлов бу борадаги қонун ҳужжатларига, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ ҳамда халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ўтказиш мақсадида қабул қилинди. Қонун лойиҳасида белгилангандек, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими — туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади". Сайланган депутатлар ўз ваколатларини 2019 йилда ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайлов натижалари бўйича пойтахт халқ депутатлари туман Кенгашларининг янги таркиблари шакллантирилганига қадар амалга ошириши ҳақида маълумот берилмоқда.

Бугун Шайхонтоҳур туманида жойлашган 5-ўқчи сайлов округида ушбу тарихий жараёни очик, тенг ва ошқоралик руҳида ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди 5-ўқчи сайлов округи комиссияси раиси Равшан Нигматов. — Айтиб ўтиш жоизки, бўлиб ўтадиган сайловлар тарихий жараён бўлиб, биринчи марта ўтказилмоқда. Халқимизнинг фаровонлиги, юртимизнинг янада обод бўлиши йўлида қўйилган яна бир хайрли қадамдир. Биз буни тўлиқ тушунган ҳолда округимизга қарашли бўлган 636- ва 637- сайлов участкалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Яъни, "Ўқчи" ва "Олмазор" маҳаллаларида бўлиб, ушбу сайловнинг мазмун-моҳияти, келажагимиз учун унинг жуда катта аҳамияти борлиги ва маҳалла аҳолисининг ушбу жараёнда фаол қатнашиши лозимлигини тушунтириб, учрашувларимиз, Ишончимиз, халқимиз ушбу сайловда ўз фуқаролик бурчини тўла адо этиб, ҳаётимизнинг янада гуллаб-яшнаши, юртимизнинг бундада обод бўлишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Тошкент вилоят худудий бўлимининг 4А формадаги қоғоз, канцтовар, автомашиналар учун метан газ, автошина ҳамда суд биносига жалюзалар ясашиш, компьютер, принтер ва оргтехникаларни таъмирлаш ускуналарини сотиб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй.
Телефон: 253-54-02, 253-53-41.


"INTER AVIA TRAVEL" МЧЖ (ИНН 302 796 091) устав фонди 8000 АҚШ доллари ва 69 000 000 сўмини ташкил қилган. Ҳозирда 8000 АҚШ доллари қисқартирилганлиги сабабли устав фонди 69 000 000 сўм қолганлигини маълум қилади.

Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: +99890 997-20-55

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ВА “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташкари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

(Газетанинг навбатдаги сони 17 ноябрда чиқади).



ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 27-турида амалдаги чемпион "Локомотив" очко йўқотди.

Фарғонада "Нефчи" ҳамда "Локомотив" жамоалари ўртасида ўтказилган баҳсда томонлар муроа йўлини танлашди. Уйин 0:0 ҳисобида якунланди.

Ушбу турда "Локомотив"нинг икки очкодан маҳрум бўлишидан кумуш медаллар учун қизгин кураш олиб бораётган "Насаф" ва "Пахтакор" жамоалари самарали

фойдаланишди. Чунки Қаршида "Металлург"ни қабул қилган "Насаф" жамоаси 2:0 ҳисобида зафар кучган бўлса, Жиззахда "Сўғдиёна" меҳмони бўлган "Пахтакор" ҳам Игорь Сергеев томонидан пенальтидан киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, муҳим уч очкони қўлга киритди. Энди иккинчи ўринда бора-

ётган "Насаф" чемпионат пешқадами "Локомотив"дан беш очкога ортда қолмоқда.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Бунёдкор" – "Навбахор" – 2:2, "Олмалик" – "Шўртан" – 3:1, "Кизилқум" – "Динамо" – 1:0, "Бухоро" – "Қўқон" – 2:2, "Обод" – "Машъал" – 0:3.

БААда Ўзбекистон футбол терма жамоаси ўқув-машғулот йиғинида иштирок этди.

ИККИТА ЎЙИНДА ИККИТА ҒАЛАБА

Машғулот йиғини доирасида БАА ҳамда Ўзбекистон футбол терма жамоалари ўртасида икки марта нозорат-ўртоқлик учрашувлари уюштирилди. Қувонарли жиҳати, ҳар икки учрашув ҳам ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди. Дастлабки учра-

шув 5:4 ҳисобида Баҳодир Аҳмедов шогирдларининг ғалабаси билан якунланган бўлса, иккинчи баҳс ҳам ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Учрашувада меҳмонлар дарвозасига 4 та жавобсиз гол киритилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

КЎЧМА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент бирлашган техника мактабида "Менинг армиям – менинг faxрим" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейининг кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейининг мутасадди вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг марказий ашула ва ракс ансамбли жамоаси санъаткорлари ва ТБТМ унитар корхонаси жамоаси ишчи-ходимлари ҳамда қаҳиргувчи-ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбир очилишида ТБТМ унитар корхонаси бошлиғи А.Жумаев сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти фаолиятининг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида гапириб ўтди. Кўчма кўргазмада намойиш қилинган тарихий музейнинг турли даврларига мансуб жанговар қуроллар, ҳарбий либослар, тарихий воқеаларни акс эттирувчи кўргазмалар, намойиш этилган видеолар тадбирни янада мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлади. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейининг директори М.Нуритдинов музейнинг ташкил этилиши тарихи ва бүгунги кунда мавжуд бўлган 11 мингдан ортиқ экспонатлар ҳақида ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил тоилган кунининг 26 йиллигига бағишлаб республикамизнинг барча ҳудудларида музейнинг кўчма кўргазмаси тадбирлари бошланганини таъкидлаб ўтди.

Музей илмий ходимлари ҳам ўзларининг қизиқарли маълумотлари ва кўргазмалари экспонатлари билан қатнашди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг марказий ашула ва ракс ансамбли жамоаси санъаткорлари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур тумани 71-MTM иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш учун **ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Суммаси 50 000 000 (эллик миллион) сўм.
Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.
"Кўча" маҳалласи, Қўрғонча кўчаси, 7-уй.
Мурожаат учун телефон рақами: 243-46-80.

"APRIORI TRADE" МЧЖ таъсисчиси 2017 йил 13 ноябрдаги 7-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 80 000 000,00 сўм миқдоридан 62 453 417,00 сўм миқдорига қайтарилган, янги устав фондининг миқдори 17 546 583,00 сўмни ташкил этади.

Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 1-уй.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автокорхонаси DAMAS, NEXIA, LASETTI ва HYUNDAI автомашиналари эҳтиёт қисмлари, жумладан, аккумулятор батареялари, автошина, антифриз, тормоз сувоқлиги ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Манзил: Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 34. Тел: 274-94-83, 274-19-14.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани 491-сонли МТМ гўшт маҳсулотларини харид қилишга ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Мол гўшти 60 кг – 33000 сўмдан. Умумий қиймати 1 980 000 сўмни ташкил қилади. Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Тел: 245-69-89.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани 185-сонли МТМ гўшт маҳсулотларини харид қилишга ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Мол гўшти 63 кг – 33000 сўмдан. Умумий қиймати 2 079 000 сўмни ташкил қилади. Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Тел: 245-65-36.

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Махмадалиева Мавлюда Набиевна номига нотураар жой учун берилган М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59а-уйининг №10:09:01:01:02:0124 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" Давлат корхонаси томонидан 01.05.2014 йилда "DIYORA-MUMTOZ BEGIM" МЧЖга Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Юқори Чирчиқ 41-уй манзилида жойлашган нотураар жой ер участкаси ҳамда бино ишоот учун берилган TS 0003307 ва TS 0016771-сонли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрида аввал хусусийлаштирилган қурилиш тугалланмаган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига киритилган объектлар

РЎЙХАТИ

Мирзо Улуғбек тумани

№	Объект номи	Жойлашган манзил (туман, кўча, уй рақамлари)	Бўш турган ер майдони (кв.м)	Шундан бино ва ишпоот майдони (кв.м)	Хозирги қўлга мулк эгаси
1	савдо дўкони	Я.Ғуломов кўчаси, 38-уй	0	439	"ELEKTRONIKA" МЧЖ
2	савдо ва хизмат кўрсатиш	Маркх 1 б-уй	0	60	"Shohizinda" МЧЖ
3	дўкони	Х.Олимжон майдони, Шароф томони, 13а-уй	0	38	"BARNO-MED-KONSALT" МЧЖ
4	офис, дўкони	Муртазая кўчаси, 17-уй	0	267	Идига Сағдиза Борисовна
5	ишлаб чиқариш	Иттиҳор кўчаси, 26-уй	0	775	"PLAN POLYMER" МЧЖ
6	бизнес центр	Чуек кўчаси, 15-уй	16213	4962	"SREDAZPODSHPNIK" МЧЖ КК
7	маъмурий бино	Олтинтепа кўчаси, 1896-уй	0	1714	"KOMMUNAL TAJMIRLASH VEGA" МЧЖ
8	маъмурий бино	Корсау-4 мавзеси, 2-уй	0	1903	"Mega mehiko" МЧЖ
9	конструкторлик бюроси	Сайрам 7-тор, 5-уй	0	928	"PAXTAGIN KB" МЧЖ
10	ишлаб чиқариш	Сайрам 7-тор	0	1740	"Almas-Omega" МЧЖ
11	кинотеатр	Қодиров кўчаси, 6-уй	555	227	"Ko'china kino" МЧЖ
12	ишлаб чиқариш	Э.Маромов кўчаси, 52-уй	0	501	"O'ZSAVDOUSKUNALARI" МЧЖ
13	ооибх боғча биноси	Дўрмон йўли кўчаси, 14а-уй	4186	1379	"SILK ROAD CERAMIC" МЧЖ КК
14	таълим	Зиёлар кўчаси, 13а-уй	0	1544	ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БНА УТИШЕРИТЕТИ
15	хизмат кўрсатиш	ГТЗ-4 мавзеси, 46-уй	0	296	Фукаро Абдулҳамид Маликов
16	ооибх боғча биноси	Улуғбек шаҳарчаси, У.Ғуломов кўчаси, 31-уй	4798	1483	Фукаро Мирзас Олим Абдулҳамид
17	савдо дўкони	Хумсон мавзеси, 5-уй	2192	2002	"QODIR RAVOT SAVDO" МЧЖ
18	офисона	ГТЗ-1 мавзеси 487а	1034	331	Сайфидин Ренат Атамжонич
19	офисона	Гулсанам кўчаси, 2-уй, Тракторкорхона МФЙ	1689	352	"VZLYUT IMPEKS" МЧЖ
20	қурилиш тугалланмаган бино	Ўзбекистон овози, 21-уй	423	423	"EKO YAXSHI SERVIS" МЧЖ
21	қурилиш тугалланмаган бино	Маънабулов, 10-уй	950	700	"MOVYI YULDUZ" КК
22	қурилиш тугалланмаган бино	Корсау-1, 22	2631	2000	"ZAR-SUIHOB" МЧЖ
23	қурилиш тугалланмаган бино	Қўрай кўчаси, 21-уй	3599	2400	"DAVR VIP TRAVEL" МЧЖ
24	қурилиш тугалланмаган бино	Дўрмон йўли кўчаси, 38/1-уй	5405	1015,42	"JET PROFIT" МЧЖ КК
25	қурилиш тугалланмаган бино	Окхўрғон кўчаси, 18а-уй	7480	1416	"SHARQ KONTINENT" МЧЖ
26	қурилиш тугалланмаган бино	Буюк Илҳам йўли, 376-376А уйлар	4000	1600	"BI LAZEROPTIKA" МЧЖ КК
27	қурилиш тугалланмаган бино	А.Юзвоний мавзеси, Лойқаланинг 1-40, д. 38	4857	2290	"TRIUMVIRAT BIZNES QURILISH" МЧЖ
28	офисона	Я.Ғуломов кўчаси, 38-уй	0	340	"TOSHKENT AZIZA BARAKA BIZNES" МЧЖ
29	савдо дўкони	Шаҳристон кўчаси, 1-уй	0	2095	Султанов Даврон Мирзаевич
30	соғлиқни сақлаш	Мустақиллик кўчаси, 79-уй	0	84	"Paxifik Servis" МЧЖ
31	савдо	А.Тўрай кўчаси, 1а-уй	0	72	"GOFUR-FAYZ-MADAD" КК
32	савдо	Х.Олимжон майдони, 13А-уй	0	590	"Sadaf Plast Servis" МЧЖ
33	кафе	Минобулак кўчаси, 15-уй	324	260	Абдулжабборов Абдуфаттох Абдулхасенович
34	кўп қаватли бино	Бўр бозор 7-тор кўча, 36-уй	4797	4102	"GRATIS" МЧЖ
35	маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари	Дўрмон йўли кўчаси, 2-2а-уй	9500	961	Мадалиева Саттар Саренович
36	савдо ва маъмурий хизмат кўрсатиш	Қодиров кўчаси	800	1395	Худойбердиев Музаффар Ходиббердиевич
Жамъа			75433	42884,42	

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" давлат унитар корхонаси Чилонзор туман хизмати томонидан 2014 йил 24 июлда Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 38-уй, 14-хонадон учун Абдуллаев Махаммад номига берилган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги TS-серияли №0041016-рақамли гувоҳнома ва 10:03:05:03:03:5038:0001:014-рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

102-интернат қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун танлов эълон қилади:
Картошка: 2000 кг*3 500 сўм = 7 000 000 сўм
Пийёз: 1136 кг*2 500 = 2 840 000 сўм
Сабз: 1000*2300 = 2 300 000 сўм
Карам: 17*2000 = 34 000 сўм
Жами: 12 174 000 сўм
Мурожаат учун телефон: 229-74-11

102-интернат қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун танлов эълон қилади:
Гўшт: 1 000 кг *31 500 сўм = 31 500 000 сўм
Мурожаат учун телефон: 229-74-11

"101"

ТАДБИРЛАР ЎЗ САМАРАСINI БЕРМОҚДА

Куз фаслида пойтахтимиз ҳудудида ёнғинлар сони ортиб боради. Бунинг сабаби ҳазон, шох-шабба ва ахлат уюмларининг ўзбошимчилик билан ёқиб юборилишидир.

Оқибатда атмосфера ҳавосида қатор заҳарли моддалар қўпайиб, катталар, айниқса болалар саломатлигига салбий зарар etkazилади.

Айрим ҳамюртларимиз томонидан кўпол равишда ҳазонларнинг ёқиб юборилиши оқибатида талафотлар юзага чиқмоқда. Масалан, пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларнинг ёнида жойлашган икки гараж оралиғида тўпланиб қолган ҳазонларнинг ёқиб юборилиши натижасида ўт кетган. Уларнинг ичидаги жиҳозлар билан бир қаторда "BA3-21056" русумли автоулов буткул ёниб кетди ва машина эгаларига моддий зарар etkazилди.

Ҳар ҳафтанинг chorшанба кунлари ўтказилаётган ёнғин профилактикаси тадбирларида ушбу муаммоларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, маҳаллалар ҳудудларини ҳазон ва майиш чиқиндилардан тозалаш билан бир қаторда, кузги-қишги мавсумга қай тарзда тайёргарлик кўрганлари ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Учтепа туманидаги "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган учрашувада иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини кузги мавсумига барқарор тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган камчиликлар кўриб чиқилди.

Жумладан, маҳалла ҳудудида жойлашган хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг айрим раҳбарлари томонидан мавсумга тайёр эмасликлари, уйларнинг чордоқ ҳамда ертўзалари очик ҳолатда, электр тақсимловчи қутилардаги симларнинг бетартиблиги, резина шланг орқали газ қувурлари тортилгани, шунингдек, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг аксарияти туман газ корхонасининг руҳсатсиз газ плиталарини балконларга қўчирганликлари аниқланди. Шунингдек, кузги-қишги мавсумда фуқароларнинг ис газидан заҳарланиш ҳолатлари содир бўлмаслиги учун шахсий хонадонларда мавжуд бўлган иситиш печларини ҳамда дудбўронларни обдон текширувдан ўтказишларига уруғ берилди.

Ёнғин шундай офатки, уни қачон ва қаерда пайдо бўлишини ҳеч ким билмайди, у қутилмаганда пайдо бўлади ва инсонлар ҳаётига жиддий хавф солади. Ёнғинга қарши курашишнинг энг яхши йўли бу – унинг олдини олишдир. Зеро, ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзалдир.

Муслима РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
катта муҳандиси, майор

БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Республикамизда ҳафтанинг ҳар chorшанбасида "Ёнғинлар профилактикаси кунини" тадбири ҳамжиҳатликда ўтказиб келинмоқда.

Ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳалла фаоллари билан биргаликда хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, уларга йўриқномалар берилди.

Олиб борилган ёнғинга қарши ҳолатларни текширишлар мобайнида аниқланган ёнғин хавфсизлиги ҳолатларига амал қилмаётган мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилиб, жарималар солинди. Ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган бино-ишпоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилиб, носоз электр ускуналар ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

"Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Балки бу ҳар бир фуқароннинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

Фарход АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходими,
лейтенант

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изини қолдиради.

Корхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар ходимларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар etkazиши билан бирга иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида олдийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзimasдек туюлган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Жаҳонгир УРМАШЕВ,
"Восток" ИИББ ДУК объектларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлими маси инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Махмадалиева Мавлюда Набиевна номига нотураар жой учун берилган М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уйининг №10:09:01:01:02:0125 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Ушбу маълумотга кўра, 16 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 16 ноябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 11-

13 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни etkazиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Ғ - 1135

Душанба, сешанба, chorшанба,
пайшанба ва жума кунлари қиқди
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4021 нусхада босилди.
Қозғачи А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй